БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 июль Жума
№ 135 (13.571).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми қарорлари

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXIV съездини чақириш ҳақида

I. Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXIV съезди 1990 йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида чақирилсин.

II. Съезд кун тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳисоботи.
2. Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
3. ВЛКСМдан сайланган СССР Халқ депутатларининг ҳисоботи.
4. Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ҳақида.
5. Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ҳақида.
6. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат комиссияси тўғрисидаги низом ҳақида.
7. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда давлат ёшлар сиёсати ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. Ўзбекистон ЛКЁИ раҳбар органларига сайловлар ҳақида.
9. Ҳар хил масалалар.

III. Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига вакиллик миқдори ҳар 3000 ВЛКСМ аъзосидан битта делегат қилиб белгилансин.

Делегатлар миқдори комсомол ташкилотларининг 1990 йил 1 июль кунидаги саноғи бўйича аниқлансин.

IV. Аниқ бўлсинким, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди делегатлари бошланғич комсомол ташкилотларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда тавсия қилиниб, қоидага кўра ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди делегатлари комсомол қўмиталари бюро ёки секретариати қарори билан сайланиши мумкин эмас.

Бошқа ҳолларда Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар сайлаш тартибини белгилаш ҳуқуқи вилоят комсомол қўмиталарига берилсин.

Комсомол қўмиталарига съезд делегатлари орасида вилоят комсомол қўмиталарининг катта қисмини ташкил қилувчи ўқувчи комсомоллар вакиллигини таъминлаш тавсия қилинсин.

Съезд делегатларини сайлаш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси комсомол ташкилотлари бўлими таклифлари маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади).

V. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюросига Марказий Қўмита, унинг бюроси, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибларининг янги таркиби бўйича таклифларни йиғиш ва умумлаштириш юзасидан комиссия тузиш топширилсин.

Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳақида

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми таъкидлайдики, жамиятда, ёшлар ўртасида рўй бераётган мураккаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларда жумҳурият комсомоли ўз ўрнини аниқ белгилаши, ўз олдига қандай мақсадлар қўйиши ва уларга қандай воситалар билан эришишини аниқлаб олиши лозим.

Музофотимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комсомолни кескин янгилаш келажакдаги фаолият истиқболларини белгилаб олишни талаб этадики, бу эса партия, давлат, жамоат ҳамда бошқа ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш мумкин бўлур эди.

Шуни ҳисобга олиб ва ВЛКСМ XXI съездида федерация субъекти мақомини олган Ўзбекистон ЛКЁИ ички иттифоқ фаолияти нормаларини чуқур ўзгартириш зарурлигини ҳисобга олиб ҳамда жумҳуриятда рўй бераётган реал жараёнларга мувофиқ Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастурини ва Уставини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблансин. Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Жумҳурият ёшлар нашрлари жумҳурият комсомоли Ҳаракат дастури ва Уставининг ишлаб чиқилган шакллари, уларга кенг ёшлар оммасининг муносабати, фикрларини чоп этиб борилсин.

Комиссияга комсомол ва ёшлардан келиб тушган мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди кўриб чиқиши учун киритиш топширилсин.

Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссияси аъзолари

НОСИРОВ Азиз — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, комиссия раиси;

АБДУМАЖИТОВ Озод — Қорақалпоғистон вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюро аъзоси;

АБДУҚОДИРОВ Равшан — Тошкент трактор заводи йиғувчи-созловчиси, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоси;

АБДУКАРИМОВ Ирисмуҳаммад — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси мафкура бўлими бошлиғи;

АБДУЛЛАЕВ Анвар — Наманган шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби;

АБДУСАТТОРОВ Комилжон — Жиззах вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби;

ОРЗИМАТОВ Адҳам — Фарғона вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби;

АХРОРОВ Аъзам — Самарқанд шаҳар Темирйўл ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби, ВЛКСМ XXI съезди делегати;

БОЙҚУВВАТОВ Бўрон — Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳар комсомол қўмитаси биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзолигига номзод;

ҒОФУРОВ Аҳрор — Тошкент вилоят, Ўрта Чирчиқ ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзоси;

ЖУМАБОЕВ Холмурод — Бухоро вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби;

ЖУМАНИЕЗОВ Комил — Хоразм вилоят, Хонқа ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби, ВЛКСМ XXI съезди делегати;

ДУБКОВ Олег — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси комсомол ташкилотлари бўлими мудири;

ҚОДИРОВ Абдурашид — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби;

КАЛАНТАРОВ Александр — Андижон тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси котиби, ВЛКСМ XXI съезди делегати;

ҚАҲҲОРОВ Нишон — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги ходимлар ва фаоллар малакасини ошириш институти бўлими мудири;

ҚАЮМОВ Баҳодир — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги ходимлар ва фаоллар малакасини ошириш институти проректори;

МУРТАЗОЕВ Икром — Тошкент вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби;

ПУКЕМОВ Александр — «Комсомолец Узбекистана» рўзномаси муҳаррири;

РАҲИМБЕРДИЕВА Майя — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби;

РАЗЗОҚОВ Жаббор — «Ёш ленинчи» рўзномаси муҳаррири;

СОБИРЖОНОВ Равиль — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги ходимлар ва фаоллар малакасини ошириш институти ректори;

САИДМУРОДОВ Набижон — Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар комсомол қўмитаси биринчи котиби.

ТОМАШЕНКО Анатолий — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси котиби, ВЛКСМ XXI съезди делегати;

ТУХТАБОЕВ Умарали — Сирдарё вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби;

УМАНСКИЙ Яков — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги ходимлар ва фаоллар малакасини ошириш институти кафедра мудири;

Қирғизистон ССР Ўш вилоятида юз берган фожиали воқеалар тўғрисида

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ VIII ПЛЕНУМИ

РЕЗОЛЮЦИЯСИ


Пленум қатнашчиларининг Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятида юз берган фожиали воқеалардан юраклари ларзага тушди.

Ноҳолис ниятли кучлар томонидан миллатлараро можарога айланган бу ихтилоф натижасида биродаркушлик рўй берди, бир умр бир ёқадан бош чиқариб, бир ариқдан сув ичиб, ўзаро қуда-қудағай бўлиб яшаб келган, тарихи, илдизи, маданияти, тили, дили, виждони бир бўлган халқлар ўртасига оғир совуқчилик тушди, кўплаб кишиларнинг ёстиғи қуриди.

Марказқўм пленуми ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва жигарларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Марказқўм пленуми қондош ва жондош Ўзбекистон ва Қирғизистон комсомол ва ёшларини ақл-фаросат билан иш тутишга, ватанимизни кўрсатишга, халқларимизнинг азалий инсоний фазилатларига, ибратли анъаналарига оёқ босмасликка, икки дўст халқ ўртасига низо солишга интилаётган, дўстлигимизга, оға-инилигимизга раҳна туширишга чиранаётган иғвогар, туҳматчи ва нопокларга зарба беришга чақиради.

Марказқўм пленуми СССР Президентидан, СССР Олий Шўросидан, КПСС Марказий Қўмитасидан, ВЛКСМ Марказий Қўмитасидан содир бўлган фожиага объектив сиёсий баҳо беришни, унинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш учун Ўш вилоятига ўзларининг вакилларидан иборат бўлган махсус комиссия юборишни, адолат юзасидан айбдорларни қаттиқ жазолашни, кўрилган чоралар юзасидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали объектив маълумот беришни талаб қилади.



Бухоро нафақат ўзининг тарихий обидалари, балки дилтортар зардўзи буюмлари билан ҳам маълум ва машҳур. Бундай кийим-кечаклар бу ердаги зардўзлик фабрикасида ишлаб чиқарилади. Уларнинг тури 110 тадан зиёд. Дўппилар пойабзаллар, миллий халатлар, турли ёдгорлик буюмлари ва нимча сингарилар шулар жумласидандир.

Бу қадимий ҳунармандчилик диёрига жаҳондаги кўпгина мамлакатлар қизиқиш билан қарамоқда. Чунки Бухоро чет эл сайёҳлиги маркази ҳамдир. Ҳар йили шаҳарга 40 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюради. Улардан аксарияти ушбу мўъжиза яратувчи корхонага қадам ранжида қилади. Бу ерда меҳнат қилаётган бир ярим минг нафар хотин-қизларнинг моҳир қўллари уларни ўзига ром этмасдан қўймайди.

СУРАТДА: фабрика моҳир зардўзи Маймхон Асадовани кўриб турибсиз.

ЎзТАГ мухбири Б. ЮСУПОВ олган сурат.

ЧЕТГА ЧИҚИБ КЕТМОҚДА

Термиз божхонаси ходимлари ўтган аср усталари тўқиган йигирмата нодир гилам маҳсулотининг СССРдан Афғонистонга ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилиши олдини олдилар.

— Бу туркман ва ўзбек халқ усталари ишлаган қадимий асарларни Афғонистонга олиб кетишга биринчи уриниш эмас, — дейди божхона пости бошлиғи Элдор Абдуллаевич Бурнашев. — Шу йилнинг ўзида кумушдан ясалган қадимий тақинчоқларнинг бир қанча туркуми ушлаб қолинди. Биздаги маълумотларга кўра, бундай буюмлар Ғарбий Европа мамлакатлари коллекциячилари ўртасида жуда харидоргир. Бу буюмлар мамлакатимиздан ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетиш учун Туркманистон ва Ўзбекистоннинг чегарага яқин ноҳиялари аҳолисидан сотиб олинади.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ.

КОСМОСДАГИ РЕМОНТ

«Мир» орбитал комплексининг экипажи ва учишни бошқариш марказининг мутахассислари ухлашмади. Анатолий Соловьев билан Александр Баландин тез орада ерга қайтишлари олдидан ерга тушириладиган аппаратни қизиб кетишдан сақловчи қатламнинг шикастланганидан ташвишланишга ниҳоят чек қўйиш мақсадида очиқ космосга чиқдилар.

Москва вақти билан соат 17 дан 06 минут ўтганида фазогирлар асбоблар солинган қути билан иккита нарвонни кўтариб ташқарига чиқишди.

Турли томонларида «Кристалл», «Квант-2» ва «Союз ТМ-9» қотиб турган туташтириш бўғинига етиб боргунча икки соат вақт кетди.

Ҳар бири тахминан икки квадрат метр келадиган ҳилпираб турган уч бўлак қоплама материал ташвишланиш учун асос бўлган эди. «Космик фрак»нинг бу «дум»лари вертикал инфрақизил кузатиш қурилмасининг ишига халал бериши мумкин эди. Бу қурилма кема қуёшнинг олдидан унинг йўналишни белгилаб олиш учун хизмат қилади.

Фазогирлар кемани қизиб кетишдан сақловчи матлар ёки «лопух»ларни шоша-пиша икки буклаб, букланган жойини металлдан ясалган «супарқисқич»лар билан маҳкамлаб қўйдилар. Энди улар оптик ускуналар ва вертикал инфрақизил кузатиш қурилмасига ҳалал бермайди деб ишонса бўлади. Фазогирлар станцияга ўз скафандрлардаги ҳаво тугай деб қолганида қайтдилар. Аммо бу ерда ҳам уларни кутилмаган ишкал қаршы олди: номаълум сабабларга кўра «Квант-2»нинг ташқарига чиқиладиган люки ёпилмади. Улар зич ёпиладиган кейинги бўлмага ўтганларидан сўнггина тердан ҳўл бўлиб кетган скафандрларини ечишди.

Ҳозир учишни бошқариш марказида мутахассислар комплексни люки ёпилмаган ана шундай ҳолатда қолдириш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал қилишмоқда.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ

Байрамга таклиф қиламиз

Кейинги вақтда жойларда ўзига хос тантаналар ўтказиш одат тусига кирмоқда. Бу байрамона тантаналарда ёшларимиз ўзларини ташвишлантираётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун баҳс-мунозаралар ўтказишмоқда. Турли хил кўнгил очар маданий-оқартув тадбирлари уюштирилиб, спорт мусобақаларига кенг ўрин берилаётир.

Комсомол матбуоти ходимлари ҳам ана шу байрамларни янада завқли ўтказишга бутун эътиборини қаратишмоқда. Бу галги «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ВА «КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА» РЎЗНОМАЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ БАЙРАМИ КУҲНА ВА НАВҚИРОН ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА бўлиб ўтади. 20 ва 21 июль кунлари шаҳарнинг бир қатор корхоналарида, хўжаликларида учрашувлар ўтказилади. БИЗ ҲАМ БАРЧА КОМСОМОЛ МАТБУОТИ МУШТАРИЙЛАРИНИ АНА ШУ ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Сиз бу матбуот ходимлари ва Жиззах вилояти ёшларининг ўзаро мулоқотида рўзномаларнинг амалга ошириши зарур бўлган режалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўласиз. Узингизни қизиқтирган саволларни бериб, уларга тегишли жавобларни олишингиз ҳамда рўзномаларнинг бугунги қиёфаси, уларда эълон қилинаётган мақолалар хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингиз мумкин.

Шунингдек, байрам тантаналари дастурламалидан меҳнат жамоалари билан бўладиган учрашувлар ҳамда бир қатор таниқли санъаткорларнинг чиқишлари ўрин олган. Жиззах Давлат педагогика институти стадионида журналистлар ва комсомол ходимлари терма командаларининг футбол бўйича ўртоқлик учрашувини ўтказиш кўзда тутилган.

Рўзноманинг барча муштарийларини Жиззах шаҳрида ўтказиладиган ёшлар матбуоти байрамига таклиф қиламиз. Уйлаймизки, ИККИ КУН ДАВОМИДА БИЗ СИЗ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИБ, ДУНЁҚАРАШИМИЗНИ ЯНАДА БОЙИТИШГА, ЖАМИЯТИМИЗДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ҲАЁТИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЎЗ ФИКРИМИЗНИ ОЧИҚ-ОЙДИН БАЁН ҚИЛИШГА ИМКОН ТОПИЛАДИ.

Қайта қуриш — ташаббускорлик кўриги

Шуни тан олиш керакки, қайта қуриш шарофати туфайли комсомол матбуоти йигит-қизларнинг ижтимоий масалаларига эътиборни кўпроқ қаратмоқда. Ўз-ўзидан шу боис рўзномаларда эълон қилинаётган мақолаларнинг таъсирчанлиги янада ошди, десам асло хато бўлмас. Журналистлар мунтазам ёшлар ҳаётининг турли қатламларига кириб боришиб, улардаги муаммоларни матбуот саҳифаларига олиб чиқишмоқда. Зеро, ҳали комсомол ҳаётида ўз ечимини кутиб ётган масалалар талайгина. Фақат матбуот жонкуярлари ва комсомол ходимларининг ҳамкорликда олиб борган ҳаракати боис ана шу масалаларнинг ижобий ҳал этилишига имкон туғилиши мумкин.

Шунга аминманки, кейинги вақтда биз турғунлик йилларининг оғир юки бўлган кутиш ва эҳтиёт бўлиш хавфини бартараф этмоқдамиз. Бу борада КПССнинг XXVIII съезди арафасида ўтган ВЛКСМнинг XXI съезди катта роль ўйнади. Тўғри, унинг барча ҳужжатларини бир томонлама қабул қилмасак-да, аммо қизғин баҳслар давомида вужудга келган муҳим масалаларни ҳал этиш учун курашиш даркор. Ўз-ўзидан ёшлар сиёсати бир қолипдаги масала эмас. Съезд туфайли ташаббускорликни қўлга киритган йигит ва қизларимиз ўз имкониятлари даражасида ишлашлари даркор. Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, энг аввало ижтимоий сиёсат тўғрисида гапирмасдан иложимиз йўқ.

Бизнинг вилоятимизда хотин-қизлар ўртасида ишсизлик масаласи кўндаланг турибди. Айниқса, аҳоли зич жойлашган Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ноҳияларида иш топа олмай юрган ёшларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Хўш, бозор иқтисодиётига ўтилса, ёшларимизни нима кутмоқда? Агарда қўлни қовуштириб ўтирганча барча етилган масалаларнинг ўз-ўзидан ҳал бўлишига умид боғласак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Бугун эртага амалга оширишимиз зарур бўлган юмушларимиз режасини тузиб, аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўла англаган ҳолда бутун ташаббускорликни қўлга олишимиз зарур. Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳам кўп муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Шу пайтгача кўпгина комсомол ташкилотларининг иши камчиликлардан ҳоли бўлмади. Қайта қуриш бошлангунга қадар биз ғолибона қадам ташлаётганлар сафида бўлишга ҳаракат қилдик. Турғунлик йилларидаги қотиб қолган ғояларнинг зарарлигини англаш учун 5 йил вақт керак бўлди. Ўтган даврда қанчадан-қанча мунозарали баҳсларга эрк берилди. Ҳозир қуруқ гапдан амалий ишга ўтадиган пайт келди, деб ўйлайман. Бу билан баҳсли мунозараларнинг тўхталишини таклиф қилаётганим йўқ. Ҳақиқат энг аввало, ана шу баҳслар давомида юзага чиқади. Фақат ҳозирги кунда баҳслар билан бирга амалий ишлар ҳам зарур. Шуни рўйирост айтиш керакки, қайта қуриш шаҳдам қадам ташлаш бўлмай, балки ҳар бир йигит ва қизнинг ташаббускорлиги кўриги ҳамдир. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз ўз имкониятларини тўла ҳисобга олиб, ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларнинг олдинги сафида бўлмоғи даркор. Вилоят комсомол қўмитаси қошида ташкил этилган тадқиқотлар маркази ёшларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этишда уларга кўмаклашади. Тадқиқотчилар, иқтисодчилар, журналистлар, комсомол ходимларининг бу маънодаги ҳамкорликдаги ҳаракатига кўп нарса боғлиқ. Жумладан, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш, йўлимиздаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишга имкон яратади. Айримлардаги қотиб қолган фикрларни йўқотиб, уларни ҳам биз билан бирга қадам ташлашга мажбур этиш лозим.

Ҳозирги кунда шахсий ташаббускорлик ҳақида кўп фикр юритаяпмиз. Аммо ёшларимизнинг ишбилармонлиги, эртани кўзлаб ҳаракат қилиши ҳамма жойда ҳам кенг қулоч ёзаётгани йўқ. Кўпинча ноҳия ижроия қўмиталарида ва бир қатор хўжаликларда бу ташаббусли ҳаракатларга тўғоноқ бўлишмоқда. Албатта бу борада ҳамма жойда бир хилда бўлинаётгани йўқ. Жиззах қурилиш материаллари комбинати, пайпоқ тўқиш фабрикаси, пластмасса заводи раҳбарлари, меҳнат кенгаши жамоалари ёшларнинг ҳар қандай ташаббусига кенг йўл очишмоқда.

Қурилиш материаллари комбинати комсомол қўмитаси ўзининг турар жой фондига эга. Мана буни амалий ҳамкорлик, деса бўлади. Ана шундай корхона ёшларининг меҳнат ва сиёсий фаоллиги юқори бўлаётганлиги табиийдир.

Бу борада ҳали ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар вилоятимизда талайгина. Мирзачўл ноҳия ижроия қўмитаси ноҳия комсомол қўмитасининг ташаббусларига йўл бермаяпти. Дўстлик ноҳияси хўжаликларида истеъдодли ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги ижодий ҳаракати ҳамма вақт ҳам эътиборга олинаётгани йўқ. Менинг назаримда, бу борадаги муаммо ижтимоий келишмовчиликка бориб тақалади. Ўз-ўзидан ижодий изланувчи ёшлар мустақиллик тарафдорларидир. Улар ўз ишларини ижарага олинган майдонда, ширкатда, ёшлар маданий марказларида кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Афсуски, ана шу ҳаракатлар ҳамма вақт ҳам муваффақиятли якунланаётгани йўқ.

Ўз-ўзидан Жиззах вилояти ёшлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳам талайгина. Албатта бу ерда ёшларнинг сиёсий мунозара клублари ҳақида, шунингдек энди тетапоя бўлаётган тижорат ҳаракатлари тўғрисида сўзлаш мумкин. Аммо масала ҳаммамизнинг эътиборимизга тушадиган муаммолар хусусида фикр юритишдан иборат бўлмоғи даркор. Шунга аминманки, биз илғор ғояларимизни бир жойга жамлаб, унинг тараққиётимиз учун хизмат қилишига қаратмоғимиз лозим. Шак-шубҳа йўқки, Жиззах шаҳрида ўтказиладиган матбуот байрами ана шу борадаги комсомол ходимлари ва журналистлар ҳамкорлигини янада кучайтиради. Биз ёшларни бу тантаналарга таклиф қилиб, унинг янада мароқли ўтказилишига ўз ҳиссаларини қўшишга чақирамиз.

Комилжон АБДУСАТТОРОВ,
Жиззах вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

А. ФИЛИППОВ,

Танишинг: янги нашрлар



МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

Ҳар бир эзгу ишнинг хайрли самараси бор. Қайта қуриш сиёсатининг хайрли самараларидан бири шуки, ўзбек тили жумҳуриятимизнинг давлат тили деб эътироф этилди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг шарофати шуки, ўзбек тилида яна бир янги журнал чиқадиган бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюроси «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги қонунининг 20-моддасига амал қилиб 1989 йилнинг 23 ноябрида жумҳурият давлат тилида «Ҳаёт ва иқтисод» журналини нашр этишга қарор қилди.

Бу журнал етмиш йилдан бери «Экономика и жизнь» номи билан рус тилида чиқиб келаётган эди. Бироқ қайси тилда чиқишидан қатъи назар мазкур нашр Ўзбекистондаги иқтисодий муносабатларни тартибга сола олмади. «Ҳаёт ва иқтисод» журнали тугал оёққа туриб олмоғи ва ўз овозига эга бўлмоғи учун биз таниқли публицистлар, мутахассис ва олимлар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий турмуш билимдонларининг кўмагига муҳтожмиз.

Ҳозирча қуйидаги рукнларимиз (рубрикаларимиз) мавжуд. Улардан бири «Тарих ва иқтисод» деб аталади. Бу рукн остида биз Ўзбекистон тарихининг иқтисодий қирраларини ёритамиз. Суғориш тарихи, боғдорчилик ва деҳқончилик, жумладан пахтачилик тарихи, ички ва ташқи савдо тарихи масалалари мазкур рукн табиатига мувофиқдир. Мавзу қатъий қилиб белгиланмайди. Бу ёғи муаллифлар дунёқарашига боғлиқ.

Азиз муштарий дўстлар!

«Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деб бежиз айтилмаган. Гарчи бизнинг журналимиз очнинг қорнини тўйғазиб, яланғочнинг эгнига кийим бўлолмаса-да, лекин у тегишли идораларнинг режали, илмий асосланган хулосалари асосида тўғри ишлашига туртки бўлар деб умид қиламиз. Сизга ана шу кенг маънавий майдон ва шу баланд маънавий минбар муборак бўлсин.

Исмат ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» журналлари бош муҳаррири.

«Бўлғуси талаба—90»



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Ҳисобли дўст айрилмас

Мен иқтисодчи эмасман. Қўлимда жумҳурият бойликларининг аниқ ҳисоб-китоби йўқ. Пахтамиз, тилламиз, пилламиз, қоракўлимиз, маъданларимиз, мева-чеваларимиз, саноатимиз мустақиллик шароитида ўзимизни боқишга етадими-йўқми, буни олимларимиз мендан яхши биладилар. Улар билан баҳс қилиш ниятим йўқ. Лекин яқинда Госпланимиз раиси ўртоқ Мирсаидов ҳузурида йиғилган иқтисодчиларимизнинг хулосаси менга, ростини айтсам, маъқул бўлмади. Уларнинг кўпчилиги иқтисодий мустақиллик биз учун ҳозирги шароитда мақбул эмас, деган фикрни айтдилар. Балки улар ҳақдир. Лекин мен ҳисоб-китоб билан эмас, ички туйғу билан, жаннат юртимиз имкониятлари ва меҳнатсевар, уддабурон халқимиз қудратига комил ишонч билан айтаманки, мустақиллик шароитида биз ҳозиргидан анча дуруст яшаймиз.

Аввало, иқтисодчиларимиз ҳисоб-китоби узоқ йиллар давомида марказ томонидан ўтказилган, қон-қонимизга сингдирилган ўта ғоявийлашган «экономика» асосига қурилган. Бу иқтисодиёт инсонни мулк эркинлиги, олди-сотти эркинлиги, танлаш эркинлигидан маҳрум қилувчи иқтисодиётдир. Сиёсатга бўйсунган илм — илм эмас, иқтисод эса иқтисод эмас.

Ҳозирги колхоз, совхоз тузумининг қулдорликдан нима фарқи бор? Мардикор бир кунда йигирма беш сўм пул топади, уч маҳал овқати, ҳатто ичкилиги ҳам тайин. Хўжайин унга яхши муомала қилиб, кечқурун раҳмат айтади, қилган меҳнатингизга рози бўлинг, дейди. Колхозчига эса биров бир пиёла чой тутмайди, бир сўмдан уч сўмгача пул олади, ҳеч кимдан раҳмат эшитмайди. Лекин сиёсий баҳо берилганда, мардикор эксплуатация қилинган одам, колхозчи озод меҳнат кишиси бўлиб чиқади. Бу қандай мантиққа тўғри келади?

Мавжуд иқтисодиётимизда (товарнинг), на ишчи кучининг белгили баҳоси бор. Бозор йўқ жойда қайдан соғлом иқтисод бўлсин?

Агар одамлар ўз ерига, мулкига, дўкон-дастгоҳига, ўзаро ва бутун жаҳон билан алоқа қилиш имконига эга бўлсалар турмуш тамоман бошқача бўлади. Ҳозир биз ҳақиқатан «қоп»дамиз. Лекин токайгача бизни мушук болаларидек қопга солиб юрадилар? Токайгача уйимизни тополмайдиган қилиб адаштирадилар?

Америкада, Туркияда, Афғонистонда, Араб мамлакатларида ўзбекларни кўрганман. Улар ҳамма ерда ҳам ўз уддабуронлиги, ишбилармонлиги билан анча дуруст яшайдилар. Мен уларни кўрганда Муқимийнинг байтини эсладим:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим,
Муқимий, мардуми фарғонаман.

Ватандошларимиз юртимиздаги хўжасизликдан қайғурадилар. Айниқса, боғларимизнинг кесилиб кетганидан хафа бўладилар. «Биргина субҳон ўриги, — дейди америкалик Абдурауф Мақсудий, — Ўзбекистонни боқа олади».

Иқтисодчилар! Халқнинг кўзи, умиди сизларда. Бизга иқтисодий мустақиллик концепциясини ишлаб беринглар. Руҳланган халқ тоғни талқон қилади.

Токайгача «ким-кимни боқяпти» деган савол луқмамизни заҳарлайди? Халқимизда, ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда иқтисоди кучли бўлмаган ҳеч бир миллат сиёсий соҳаларда ютуққа эришмаслиги барчага маълум.

Шу нуқтаи назардан қараганда ўз она тилингизда «Ҳаёт ва иқтисод» ойлик журналини чиқаришга уринган масъул ўртоқларга ва ходимларга раҳмат дейман ҳамда уларни шу фахрли воқеа муносабати билан қутлайман.

Собир САЙХОН,
Туркия, Боязит, Истамбул.
«Болалар дунёси» тижорат идорасининг раҳбари.

УЙҒОНИШ ЛАҲЗАСИ

Ҳисоб-китобни билган халқ хор бўлмайди. Афсуски, биз узоқ йиллар давомида иқтисодий саводсизликка гирифтор бўлдик. Шунинг учун бугун режалаштирилаётган ислоҳотлар қийинчилик билан амалга ошаётир. Ўйлайманки, янги журнал ўз кучини элимизнинг иқтисодий билимини оширишга, халқни ўз ҳақини ҳисоблашга ўргатишга сарфлайди.

Жамиятда қарор топаётган янгиланиш муҳити иқтисодчилардан, умуман элнинг раҳбарларидан мунтазам, изчил иқтисодий сиёсат юргизишни талаб этмоқда.

Яшириб нима қилдик, бугунги кунга биз оғир аҳволда етиб келдик. Жумҳуриятнинг қарийб ярим аҳолиси қашшоқлик даражасида кун кечирмоқда. Ишсизлар кўпайди. Дўконларнинг пештахталари бўм-бўш. Корхоналар замонавий технология билан жиҳозлашга муҳтож. Иттифоқ планлаштириш, нарх-наво белгилаш ташкилотлари йиллар бўйи белгилаган қилвир сиёсат натижасида деҳқончилик, чорвачилик билан кун кўриб бўлмай қолди. Жумҳурият ҳудудида жойлашган иттифоққа бўйсунувчи корхоналар ер, сув ва ҳавони бузганлари баробари йиллар давомида бу ерларнинг, сувларнинг эгалари бўлмиш — халқимизга ҳеч нарса бермадилар. Пулнинг қадри тушди.

Янгича иқтисодий сиёсатни биз ана шундай шароитда бошлаётирмиз. Ўтмиш кўзда тутаётган бозор муносабатлари ҳукуматдан юксак масъулият талаб этади. Сир эмас, жумҳуриятимиз кўпгина кўрсаткичлар бўйича иттифоқ даражасидан паст турибди. Шунинг учун аввал жумҳуриятимизни иқтисодий даражасини ҳеч бўлмаганда ўртача иттифоқ даражасига етказиб олиш тўғрисида ўйлашимиз керак.

Турғунлик иқтисодимизни инқирозга олиб келди. Энг катта фожиа шудир. Бундан қутилишнинг йўлини — ҳаёт ўзи тақозо қилаётгани иқтисодий мустақилликка ўтишдан бошлаш керак. Халқ ўз ерига, ўз эркига эга бўлсагина, эркин меҳнат қилади. Шундан кейингина фаровонлик бўлиши мумкин. Ана шунинг учун журнал халқни иқтисодий фикрлашга ўргатиши лозим. Шу йўлда омад сизга ёр бўлсин!

Шукурулла МИРСАИДОВ,
Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Кенгаши Раиси, иқтисод фанлари доктори.

Ҳамза Ҳакимзода НИЁЗИЙ

ФАҚИРЛИК НИМАДАН ҲОСИЛ ЎЛУР?

Жигарнинг қон томчиларин кундан кун зиёда тараққий эттирмоқда бўлган иллатларнинг энг биринчи моддаси нимадир, деб сўрасангиз ваҳшат, ғафлат ва жаҳолат, деб жавоб олурсиз. Бу уч қиш ойлари ила тан, ақл ва кўзлари музлаб совуқ урган дарахтлар каби мевасиз қолган ота ва боболаримизнинг мукофотларидан иборат бўлиб чиқди.

Демак, йигирма йил аввал, бостурма тагида, похол устида чакса жўхорини икки ой гўжа оши қилуб аҳлу аёллари



Суратказ: Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

ила ичуб, бўздан яктак ва лозим, олачадан тўн киюб, ҳафтада уч кун сайр, тўрт кун наълчилик қилуб, шул тариқа бир ҳўнар ила бўлса ҳам таъмини маишат мукаммаллануб, ўзларининг доҳилий ва хорижий фисқу-фасол, шаръу-шурурларига етушуб, яна беш пул, ўн пул ёнларида қолур экан. Ажабо, нима бўлмишдирки, ул усталарнинг кўплари гадо бўлиб кетгандирлар. Аммо баъзилари оталаридан қолмиш бир оз мулкларини бир тарафидин ўпуруб, қўшуб, амаллаб келмакда ва баъзилари етишдура олмай бутун бир ҳунарларидан кечуб, бошқа бир йўл ва қуйға кируб кетмакдадирлар. Демак, ёлғуз бу касб аҳли эмас, ҳар бир касб аҳли шуйдоғдир.

Хусусан, 1912 йилдан бошлаб аксар косиблар зарарлануб, мардикорликка кира бошлаганлари учун кучсиз мардикорларни бозор олмай, бу йиллардан алар гадойларга қўшулуб, 1914 йил рамазонда гадойлар бошқаларга қараганда юзга қирқ процент бўлиб кетган десак ҳам лоф бўлмайди.

Мана бу разолат, хайрчилик ва хорлик на ердин елди! Наълсиз кафшларнинг кўпайтганиданми! Турмуш ҳаражатларининг ортганлиғиданми! Ёҳуд оёғимиз тагидаги кафш, наълининг ақчасиғача фабриклар қўлига ўтуб кетганлиғиданми! Оҳ, ҳунарларимиз, қайси тарафға ва кимлар қўлиға асир бўлди!! Пул ва молларимиз қайси тарафға ҳижрат этмакдадир!!

Кеча бир кафшга 20 тийин олуб наъл қоқуб берган уста, бугун дарвозалар тагида: «раббан мин, ё раб, ё рамазон!» деб қичқирмақдадир.

Бу хўрликларнинг илмсизликдан келганини шояд ўйлаган ва ақлга солуб қараган киши билур.


Мана сиз ила инсонликда баробар бўлуб, илм ўқиган одамларни кўрасизми! Сиздан давлати тараққий этмаган бўлса ҳам, сиз каби хору зор бўлмасдан бир фалон ила маишат ўткаруб келмакдадир.

Мақсудга келайлик: ҳаётнинг энг биринчи душмани ва офати бўлган фақирликка гирифтор бўлмиш мазлум ва бечораларга аввалги аҳволларни сўзлаб ўтган эдук. Кўча-кўчаларда тўп-тўп эркак ва хотун майда-чуйда етим ва есирлар тўпалон, шовқин ва сурон қилуб юрадурлар. Закот берувчининг эшиги тагида оч бўрилардек бир-бирларига интилишуб жанжал, маштлаш. Бирининг боши ва бирининг чаккаси ёрулган, ёш болалари оёқ тагида қолуб дод фарёд қиладурлар. Бунинг устига қоринлари оч, ранглари сарғайган, устларидаги бутун тўнлари йиртилган. Бу ғурбат, бу зиллат, бу хўрлик, бу асорат ва бу разолат ила эртадан кечгача оғузлари қурушуб, кўзлари мўлтираб ва мўлдир-мўлдир ёшлар оқузуб, холиқ ва розиқи ҳақиқийлари бўлган жаноби таоллонинг буюрган беш вақт саждасидан бўйин тортган мард йигитлар чорак газ чит учун ўзлариға ўхшаган бир худо бандасининг эшигига бориб, бунча таъзимлар қилуб, ташаккурлар айтуб ва меҳнатлар чекуб дарбадар юришлари, оҳ, қайси бир инсон наслини таъхир зулматига чўмдурмас, қайси бир ҳақиқий мусулмоннинг баданига ўтлар тушурмас ва оламни зиндон қилмас!! Оҳ, қани исломият аҳкоми!.. Кошки, ул закот берувчи зотлар берадиган бир неча верчук читларни миннатсиз ва озорсиз берсалар эди.


Оҳ, аларнинг эртадан кечгача интизор қилуб ва хизматчиларини буюруб, шовқин солганларни, боши демай, кўзи демай йўғон калтаклар ила уруб, оғизлари, кўзлари, хотун ва қизлари демай, ҳақоратлар қилуб, неча хил дашном ва таъналар ила туртуб-туртуб юборуб қилган муомалаларини кўруб ҳар бир жони бор инсон синфидаги зот, кофур бўлсун, мусулмон бўлсун, исломнинг ёлғуз исмигина қолғонлиғига ҳукм қила оладур. Демак, бу қаердан, келади, надан бўлди, шояд билурсиз. Эй, кошки, бойларимиз бу тариқа азоб, кулфат ва озор ила берадиган закотларини бермасдан, ўзлари еб қўя қолсалар эди. Фақирлик ва зарурат ситам ила аламзада бўлган ул бечораларнинг дилидаги доғ устига қора ёғ қўймасалар эди.

1914 йил 10 август.
(Рамазон ойининг биринчи куни). Мукаммал асарлар тўплами, II том, Тошкент, 1980 йил, 253—255 бетлар.

РАҲИМЖОН ДОРИЛФУНУН ТОЛИБИ



Ўқув юртлари бугун
ҳар қачонгидан гавжум.
Бу ерда ҳамма ҳаяжонда:
биров хурсанд,
яна биров хафа,
бошқа бири нимадандир
аламзада.
Барчанинг дарди-фикри битта
— талаба бўлиш.
Ўша дард билан
яшашяпти.
Зарур бўлса,
туну кун елиб-югуришмоқда.
Тошкент Давлат
дорилфунуни ҳам
ушбу дарддан
бенасиб қолмаган.
Илк имтиҳон куни
дорилфунун куллиётларида
бўлдик.
Имтиҳоннинг бориши билан
қизиқдик. Ҳамда
жуғрофия куллиётида
мазкур фан бўйича бўлаётган
оғзаки имтиҳонда қатнашдик.
— Жуғрофия
ихтисослигининг ўзигагина
500 га яқин киши ҳужжат
топширди, —
дейди биз билан суҳбатда
куллиёт предмет қабул
комиссиясининг раиси,
доцент Озод Отамирзаев.
— Улардан 100 нафари
талаба номини олади.
Андижонлик Раҳимжон
Қодиров
эса куллиётимизнинг
1990-91 ўқув йилидаги
биринчи талабаларидан
бўлишга
муваффақ бўлди.
У ўрта мактабни
олтин медалга битирган.
Биринчи имтиҳондан
«5» баҳо олди.
Қабул қоидаларига асосан,
энди у талаба.
(пастдаги суратда
Озод Отамирзаев
Раҳимжонни талаба
бўлганлиги
билан қутламоқда).
Биз ҳам Раҳимжонни
Тошкент Давлат
дорилфунунининг
жуғрофия куллиёти
толибиқ бўлганлиги билан
қутлаймиз.



Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА:
қабул имтиҳонларидан
лавҳалар.
МУАЛЛИФ суратга олган.



Бизни ўйлантираётган муаммолар

ШИФОКОРНИНГ ИМОНИ БУТ БЎЛМАСА...

...Азиз техникумда ўқиётганида олма тергани бориб, дарахтдан йиқилди ва бош мияси чайқалиб, Ўрта Осиё табобат педиатрия институтининг хирургия бўлимида даволаниб чиқди. Ўқиши бошлангач, мия чайқалишининг оқибатлари билина бошлади. Дарсларнинг кўпайгани, кунларнинг совуб кетиши унга оғир таъсир қила бошлади. Охири ўқитувчилар ва ота-онаси Тошкент шаҳар Киров ноҳиясидаги 12-поликлиника шифокорлари ҳам унинг соғлиги ўқишни давом эттириши учун имконият бермайди, деган хулосага келиб, бир йил дам олиш учун тавсиянома бердилар.

Уйда юрган Азиз «нима учун ўртоқларимга чақирув қоғози келяпти-ю, менга келмаяпти» дея ташвишланиб, Киров ноҳияси ҳарбий комиссарнатига борди. У ердагилар уни ўқиш-ўқимаслиги билан қизиққанлари ҳам йўқ, тиббий кўрикка юбордилар. Азиз кўрикдан ўтаётганда, 1988 йил июль ойида йиқилиб; мияси чайқалганини, шунинг учун ҳозир дам олиб даволанаётганини, участкадаги асаб касалликлари ҳисобида ҳам туришини айтди. Уни текшириш учун бир ҳафта муддатга САМПИга юборишди. САМПИ невропотологлари уни 19 кун, яъни бир курс даволаб, «Бош миясида яширин лат ейиш асорати бор» ва «Астено-депрессив синдром» диагнозлари билан доимий назорат остида, вақти-вақти билан даволаниб туриши керак деган хулосага келиб, шифохонадан чиқардилар. Лекин ҳарбий комиссариат табобат комиссияси томонидан Азиз «ҳарбий хизматга лойиқ» деб топилиб, қурилиш батальонига юборилди. Армияда у ҳатто 1 ой ҳам ишлай олгани йўқ. Бирдан боши қаттиқ оғриб, кўзолди қоронғулашди-ю, ёнидаги чуқурга ағдарилиб тушди. Госпиталда ётиб ҳам қўлининг синган жойи битмади, энди то синиқ жой битгунча, ротада бекор юришга мажбур бўлди. Бир ойдан кейин гипсни ечган госпитал шифокорлари синиқ жой битмаганини рентген орқали кўриб, яна гипс қўйишди.

Хўш, Азизнинг носоғломлигини кўра-била туриб бу аҳволда армияга ким юборди?

— Мен касалхонанинг қоғозларини асаб касалликлари шифокорига олиб кирдим, — дейди Азиз. — Касаллик тарихимдан олинган кўчирмани ўқиб кўрган хирург «хизматга яроқсиз, қолдириш керак» деса, невропотолог врач «Юбораверайлик, олти ойдан кейин яна қайта комиссия қилиб, қайтариб юборишади» деди бепарволик билан...

— Азизга ўхшаган болалар йилдан йилга кўпайиб кетяпти, — дейди мен ташриф буюрган қисмдаги рота командири, капитан С. Шокуров, — биз нима қилишга ҳам ҳайронмиз. Қисмимиздаги солдатларнинг баъзиларини ҳарбий хизматга нолойиқ, десак бўлаверади. Уларни ким юборяпти, нима учун? Қайси бирини олти ойдан кейин қайта комиссия қилиб, қайтариб юборамиз? Ҳатто булар орасида армияга келмасдан олдин руҳий касалликлар шифохонаси ҳисобида турганлар ҳам бор.

Ҳар бир аскарнинг кўнглига йўл топишга, армия ҳаётига кўниктиришга уринамиз, ҳаракат қиламиз. Лекин касал бола — барибир касал-да. Уни боғча боласига ўхшатиб алоҳида иззат-икром кўрсата олмаймиз. Армияга келдингми, ҳарбий ҳаётга ўрган! Буни кўтара олмаганлар қочиб кетиш даражасигача боради. Худо кўрсатмасин, кечагина, ота-онаси ҳузурида ҳам «ўзимни сувга ташлайман, ўзимни осаман» деб юрган болага бирор нарса бўлса-чи? Ҳатто меҳнат таътилидаги қисм командири ҳам мана шу қочиб кетган аскар учун ҳайфсан олади.

— Исмим — Усмон. Бахмалликман, ҳарбий хизматга келмасимдан олдин ҳам юрагим санчарди. Яқинда иш вақтида юрагим санчиб қолди. Госпиталга ётқизишди, текширишди. У-бу енгил ишларни қилиб, номига ҳарбий хизматда юрибман. Бу ерда ошқозонини, ҳатто ўпкасини операция қилдирган болалар бор. Бизники уларнинг олдида...

— Мен ҳам Азизнинг қўлидаги бир талай қоғозлар билан танишиб чиққанман. У армияга яроқсиз деб топилиб, ҳарбий хизматдан ҳеч бўлмаса вақтинча озод қилиниши керак эди, — дейди қисм старшинаси А. Мамедов. — Энди армияга келдими — қандай қилиб бўлмасин, икки йилни ўтказишга мажбур. Нега касал болалар юборилади, дейсизми? Нега буларди, бирорта соғ боланинг ўрнига юборилганда. Мана, студентлар армиядан қайтарилди. Кузги чақирувда жуда катта қисмда болаларнинг келиши кутилади. Лекин юборилган болаларнинг айримлари ҳарбий хизматга яроқсиз бўлади. Азобини биз тортамиз. Болалар ўзи нимжон, ишга яроқсиз экан, дейдиганнинг ўзи йўқ. «Улар билан таълим-тарбия ишларини яхши олиб бормаяпсанлар», деб бизларни айблашади. Қанийди, жойлардаги тиббий комиссиялар чақирилувчиларнинг сонига эмас, сифатига ҳам аҳамият беришса. Фалон қисмдан, фалон ротадан шунча бола госпиталда ётибди, деган гапни эшитиш биз учун ҳам кўнгилсиз, албатта. Лекин бу томонини ҳеч ким ўйламаяпти. Чунки армияда касал деб топилган бола учун у юборилган ҳарбий комиссариат тиббий комиссиясидан ҳеч қандай масъулият талаб қилинмайди-да.

Мухбир изоҳи: Мен тилга олган Азиз 1989 йилнинг 4 ноябрида армиядан «яроқсиз» деб Тошкентга қайтарилди. Ўқиши ҳам қолиб кетди. Асаблари ишдан чиққан. Ишга кирди, ишлолмади. Унинг ҳолини ҳеч ким сўрамайди. Ҳарбий комиссариатдагилар армияга жўнатишни билишади. Аслида у бошқа боланинг ўрнига кетганди... «Комиссия аъзоси» бўлган шифокорлар, мабодо ўз фарзандларининг ҳам бирорта касали бўлса кўз юмиб, ҳарбий хизматга юборармиканлар? Йўқ, бунга улар асло йўл қўйишмайди. Ўз болаларига жонлари ачийди. Ўзгалар учун эса виждонлари ҳам қийналмайди. Шифокорнинг имони бут бўлмаса, унинг жаллоддан фарқи қолмайди. Бундайларни шифокор деб аташ мумкинми? Ўз касбига, элига иснод келтираётган нопок шахслар қонун олдида жавоб беришлари керак...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Тошкент шаҳри.

Нуқтаи назар

НИФОҚ

ЁКИ МИЛЛАТЛАРНИ БИР-БИРЛАРИГА КИМ ГИЖ-ГИЖЛАЯПТИ?

Кейинги вақтда марказий матбуотда Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ва фаолиятига доир кўпгина туҳмат гаплардан иборат мақолаларни босиб чиқариш давом этмоқда. Бу ёмон кўникма одат тусига айланаётир. Ўзбек халқи шаънига ёғдирилаётган ҳақоратомуз гаплар эндиликда кўнгилни айнитиш даражасига бориб етди.

Мазкур рўзнома ва журналларнинг муҳбирлари фикри-зикри: зора жумҳуриятда бирор чатоқ чиқса-ю, яна бир боплаш эдик, деб фақат пайт пойлаб ўтган «зийрак»ларга ўхшайди. Уларнинг ҳар бир мақоласини ўқиганингда, рўй берган кўнгилсиз воқеадан, ҳатто фожиадан «мана яна қўлга тушдинг», деб қалпоқларини осмонга отиб севинишлари кўриниб туради. Яқинда икки катта рўзномада бир кунда бир ҳодиса ҳақида мақолалар эълон қилиниши ва уларда асосан кўнгилсиз воқеа устида эмас, балки шу халқ шаънига, миллий руҳи ва шахсий иззат-нафсига тегиш интилганликлари шундоқ кўриниб турибди.

1 январь «Правда»да Георгий Овчаренконинг «Всё взятки и взятки» сарлавҳали мақоласи чиқди. Худди шу куни «Известия»да Ю. Феофановнинг ҳам «Дело Рано Абдуллаевой» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Ниҳоят ҳозирча энг сўнггиси ва энг жиддийси ТАСС шарҳловчиси Виктор Понамарёвнинг «Правда»да 9—10 май сонларида эълон қилинган «Колокола надежди» сарлавҳали (Тожикистон воқеаларига бағишланган) мақоласи миллатлар орасига қора мушук сингари кириб келди.

Мазкур мақолалардаги воқеа-ҳодисалар чиндан ҳам рўй берган ва бунга шубҳа қилаётган одам йўқ. Айниқса, «Комсомольская правда»да (1990 йил 25 апрель) босилган мақолада Туркманистон болаларигина эмас, бутун бир халқ бошига тушаётган очарчилик даҳшатлари ҳақида чинакам меҳрибонлик билан жуда жиддий бонг ураётганини фақат табриклаш керак. Гарчи мақолада фожиалар илдизи чуқур очилмаган бўлса-да, далиллар етиб ортадиган даражада кўплиги билан эътиборни тортади.

Энди «Правда»даги Г. Овчаренко мақоласига келсак, бу мақоланинг руҳи бутунлай бошқача, халққа ёрдам беришдан кўра унга узоқдан ҳам, яқиндан ҳам фақат тош отиш пайида юрган кимсалар қиёфасини эслатади. Мақолада Камолов ва унинг теварагидаги ифлосликлар ҳақида кўпгина далиллар келтирилади. Бунга албатта, ҳаммамиз қўшиламиз. На Камоловни, на унга пора бериб-олишларда иштирок этган малъунларни оқламаймиз. Бу ҳақда ортиқча тўхташга ҳожат ҳам йўқ. Жумҳуриятимизни ҳозирги фожиали ҳолга олиб келганларни санаб чиқадиган бўлсак, жуда кўплаб кишиларни Камолов қаторига қўшиб қўйиш мумкин. Улар бошқа жумҳуриятларда, ҳатто Москвада ҳам жуда кўп. Аммо гап бошқа ёқда. Бизда азалдан урф бўлиб қолган жуда ачинарли бир одат бор. У ҳам бўлса қачонгача Москвада бирор гап кўтарилса, биз унга кўзимизни юмиб, оғзимизни очиб кутиб олишимиз керак. «Улар ҳамма нарсани билиб қилишади», деган тушунча шахсга сиғиниш давридан буён суякларимизга сингиб қолган фожиа-ку.

Аслида бу руҳнинг келиб чиқиш тарихига назар солсангиз, бу ҳолат Ўрта Осиё халқлари онгида 1860 — 1918 йилларда чор Россияси мустамлакачилиги қон тўкиб ўрнатган кезда роса авжга чиққан. У-ку, золим Николай давридаги босқинчилик ва В. И. Ленин ибораси билан айтганда буюк рус шовинизми туфайли рўй берган эди. Ўша даврда кўчадан бир рус ўтаётган бўлса барча мусулмонлар икки қўлини кўксига қўйиб, тиззаларига бурни теккундай эгилиб туришлари жорий этилганди.

Тарихий манбаларда мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар тўлиб ётибди. Мен буни шунинг учун келтирдимки, агарда Овчаренко, Феофанов ёзиб, у Москвадаги марказий матбуотда чиқдими, демак дамингни чиқарма, қўл қовуштириб тур, оғзингни юм деганими? Бўлмаса, улар бундан ҳам баттар қилишади, чунки улар ҳокимият вакиллари-да! Ёзувчиларимиздан Одил Ёқубов марказий матбуотда кетма-кет жиддий мақолалар билан чиқиб турибди. Хўш, жумҳуриятимизда юзага келган аҳволни тузатиш борасида курашаётган яна бирор ижодкорни кўрсатиш мумкинми? Жумҳуриятимизда қанча унвонли ёзувчиларимиз, қанча олим-у, академикларимиз бор, улар нега нафасларини ичларига ютиб юрадилар?

Г. Овчаренко ўз мақоласида Камоловнинг бир қатор қариндош-уруғларини қамоқдан бўшатилишидан ғоят ғазабланади, бунинг учун судга ҳам, СССР Прокуратурасига ҳам қаттиқ норозилик билдиради, бу қадар «ҳақсизлик»дан ёниб, барча озод қилинганларни зудлик билан яна қамашга даъват этади. Бу ҳам етмагандай «Ўзбекистондаги социализмни ўз даромад манбалари деб тушунган бугунги амирлар ҳақида энди бирор нарса ёзишни истамайман ҳам», деб юборади. Ёки бошқача қилиб айтганда, ўзбекистонликлар кам қамалди, ҳали уларга кўплаб қўшиб қамаш мумкин эди, деган фикрни олға суради. Яхшиямки, суд Ўзбекистонда эмас, Москвада бўлди. Ўзбекларга ишониб бўлмайди, чунки жумҳуриятни чиришга олиб келган шулар деб хулоса чиқаради. Бу фикрда жон бор. Аммо жами иллатнинг илдизи Москвага бориб тақалаши ҳақида гап очилмайди. Бизда Камоловлар порахўрлик қилаётганда фирқалик билети янгиланаётган ва унинг биринчи номери Ленинга, кейингиси эса Брежневга топширилаётган, Сиёсий бюро аъзолари Бош котибни гулдурос қарсаклар билан табриклашаётган бир пайт эди. Бугина эмас, Бош котибнинг хотини, ўғил-қизлари, куёвлари тилла танга тўплаш, мамлакатнинг қайси бурчагидан ким кўп «нарса» берса ўшанга мукофотлар ва унвонлар улашишдан чарчашмасди. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш жумҳуриятни Камолов, Рашидов, Усмонхўжаев, Абдуллаевалар чиритса, бутун бир катта мамлакатни ким чиритди?

Энди «Раъно Абдуллаева иши» сарлавҳали мақола хусусида фикр юритайлик. Мен ундаги далилларга шубҳа билдираётганим йўқ. Мақола бошиданоқ айбдор муттаҳамлар бир чеккада қолиб, ўзбек халқи ва миллати шаънига ҳақорат сифатида ўйлаб топилган — Гдлян ва Ивановлар каби сохта «қонунчилар» томонидан айни миллатчилик руҳида қўлланган иборалардан ғоят мамнуният билан фойдаланишдан бошланади. Қизиқ, мен дастлабки сатрларда изоҳлаб ўтганимдай, Ю. Феофанов ҳам ҳокимият вакили, мақоласи «Известия»да босилган ва шу туфайли ҳам улар нимани хоҳлашса шуни қилаверишади, эътироз билдиришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. «Ўзбеклар иши» (биз уни хоҳлаймизми, йўқми, бу адолатданми, йўқми, барибир бу ибора истеъмолга кириб қолди, энди уни ҳеч нарса қилиб бўлмайди...)» деб бошланган мақола бошидан охиригача халқимиз ва миллатимизга ҳурматсизлик, туҳмат ёғдириш руҳи билан суғорилган.

Мақола муаллифи марказдаги судлар фаолиятидаги анча-мунча нуқсонларни очиб ташлайди. Терговчилар, суд раислари «ўзбеклар иши»да қаттиққўллик қилмагани учун танқид қилинади.

Яқинда «Правда»нинг икки сонида босилган Тожикистондаги воқеаларга доир мақоласининг руҳи бундан ҳам баттар. Тўғри, Тожикистонда бўлиб ўтган фожиали аҳвол ҳар қандай софдил инсоннинг қалбини ларзага солмай иложи йўқ. Унда келтирилган айрим далилларни тасдиқлаш-у, инкор этиш бизнинг ишимиз ҳам эмас, рўзномада баён этилган воқеа-ҳодисани фақат қоралаш ва унга қарши кескин кураш очиш керак. Аммо, бунда ҳам яна айланиб келиб халқнинг иззат-нафсига тегиш, миллатлар ўртасида нифоқ уйғотишга, ҳатто уларни очиқдан-очиқ гиж-гижлашгача бориб етилгани одамни ҳайратга солади. Мақолада шундай гап бор: агар марказнинг жумҳурият халқи ҳаётига оид бирор гапини рад қиладиган бўлса, кўп синовлардан ўтган «бу тожик халқи шаънига туҳмат...» иборасини ишлатишади, дейилади. Савол туғилади, борди-ю, бирор туҳмат гап айтилса, тожикми, қозоқми, қирғизми, туркманми, халқига туҳмат қилинмасин, деган иборани ишлатмасликни олдиндан буюриб қилинишини қандай баҳолаш керак? Яна бир неча фикр — тожиклар аввал арманларни, сўнг русларни, ўзбекларни ва бутун тожик бўлмаган миллатларни ҳайдаб чиқаришни режалаштириб қўйган дейилади. Бу ҳам етмагандай исёнчилар қўлларига тушган русларни тилка-пора қилиб ташладилар. Ҳатто русча кийимдаги тожик аёлини ҳам аввал номусига тегиб, кейин ўлдиришди, дейилган. Мен бу гапларга сира ишонмадим. Борди-ю, бу ҳол рўй берган бўлса, бундай безорилик, пасткашлик, ифлосликни Душанбедагина эмас, мамлакатимиздаги барча халқ, миллат, элатлар орасида озмунча учратаяпмизми? Давлатимиз айни Москвада ҳам, Ленинградда ҳам, умуман бошқа ерларда ҳам жиноятчи безориларга қарши курашни етарли даражада ташкил этолмаётганини ким билмайди? Бутун-бутун халқ ва миллатлар шаънига уялмай-нетмай оғзига келган ҳақоратни босиб чиқараётган рўзнома ва жаридалар безориларга қарши кураш чораларини аниқ ва кескин қилиб таъмин этганларида фойдалироқ бўларди-ку.

Мазкур мақолада ҳам, марказда чиқаётган бошқа материалларда ҳам «миллатчи», «миллатчилик» деган иборалар миллий жумҳуриятларга нисбатан жуда кўп қўлланиладиган бўлиб қолди. Ваҳоланки, 20—30-йилларда худди мана шу лаънати ёрлиқ остида минглаб зиёлиларимизнинг қони тўкилгани етмасмиди?! Ўша қатл этилганларнинг бирортаси ҳам миллатчи бўлмаганини яхши биламиз. Борингки, марказдаги журналистлар излаган миллатчилар фақат миллий жумҳуриятлардагина борми, бошқа жойда, жумладан РСФСРда, марказнинг ўзида шовинистик қараш руҳида иш тутишлар мавжудлигини ҳеч ким билмайдими? Жиноятчи деб топилганларнинг ҳаммаси Москвада суд қилинаётганини, СССР Прокуратурасининг етакчи вакиллари Гдлян билан Иванов раҳбарлигида минглаб кишиларнинг беш-олти йиллаб жумҳуриятда ётиб кавлаштиргани, том-том маълумотлар тўплагани охири нималар билан тугаётганини кўриб турибмиз-ку!

Яна қайтариб айтаман, рўзномада номлари келтирилиб қораланаётганларга шафқат йўқ, биз уларни эслаганимизда бошқаларга нисбатан кўпроқ нафратланамиз. Улар ҳеч қандай халқ ва миллатга алоқаси йўқ, ватан, миллат, эътиқод каби муқаддас тушунчалардан маҳрумлар сифатида талқин этилиши керак. Эмишки, европача кийинган бир тожик аёлини кўпчилик бўлиб номусига тажовуз қилишибди, уйига боргач, аёл ўзини осиб қўйибди. Ислом қоидасига кўра бундайларни гап-сўзни кўпайтирмаслик учун тезда яширинча кўмиб юборардилар. Ва худонинг ўзи берган эди, ўзи олди деб ҳисобланармиш. Бу гапни муаллиф руслардан эшитганини алоҳида таъкидлаб қўяди. Бир рус хотинни кўприкдан улоқтириб юборилганини ҳам руслар кўришибди ва ҳоказо... Албатта бу ғоят даҳшатли ҳодисалар чиндан ҳам рўй берган бўлса, ундай қилганларга лаънатлар бўлсин. Уни ҳеч ким кечирмайди, оқламайди, улар тегишли жазони олиши шарт. Аммо бу фожиалар баҳонасида руслар билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги муносабатларга раҳна солинаётгани муаллифнинг хаёлига келмадими? Ёки худди гиж-гижлатиш учун атайлаб шундай қилинаяптими? Ёшлар буни қандай идрок этишади? Ҳарбий хизматдаги ўзбек болаларининг бир йилда 400-500 дан ортиқ жасади аксари безорилик оқибатида келаётгани маълум-ку! Тўрт ойда 107 ўзбек ўғлонининг ёстиғи қуригани учун ким жавобгар? Ўзларини ҳукмрон деб ҳисоблаб турли миллатлар орасига рақобат, зиддият, душманлик, бир-биридан ўч олиш даражасига олиб келадиган гаплар, сўзлар, ибораларни сира тап тортмасдан ишлатиш нега ва кимга керак бўлиб қолди? Журналист миясига келганини ёзгандир, аммо рўзномалар нега, ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда таҳрир қилмасдан босиб чиқаради?

Жумҳуриятимизга қарши туҳматчилик кампаниясида, афсуски, муштарийлар орасида яхшигина нуфузга эга бўлган «Труд» рўзномаси ҳам четда тургани йўқ. Бу айниқса, шу йил 11-12 май сонларида эълон қилинган «Ўзбекистонда ишсизлик: афсона ва ҳақиқат» сарлавҳали мақолада яққол кўзга ташланади. Унда муаллиф (О. Осипов) Ўзбекистонда ишсизлик йўқ, бу тўғридаги гаплар қуруқ афсона бўлиб, жумҳурият раҳбарлари шу баҳонада марказдан пул ундириб уни ўз «тинчлик»лари йўлида сарфлашмоқчи, деб ёзади. Қизиқ, унда бу киши 20 миллион аҳолининг 45 фоизи қашшоқликда кун кўраётганини қандай изоҳларкин? Наҳотки бир миллион ишсиздан бирортасини ҳам «топа олмаган» О. Осипов ҳеч бўлмаса масаланинг ана шу томонини ўйламаган бўлса? Ахир қашшоқлик ўз-ўзидан келиб чиқмайди-ку!

Миллатлар орасидаги муносабатларни янгилашга даъват этилганлар орасида ҳам бизга кўплаб зарар келтираётган шахсларнинг орамизда борлиги янада даҳшатлироқ ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бу соҳада жумҳуриятимизда қисқа муддат биринчи шахс лавозимида ишлаган олдинги раҳбаримиз озгина муддат ичида тожиклар билан ўзбеклар ўртасида талай зиддиятларни пайдо қилиб кетди. Ваҳоланки, тарихимизда ҳеч қачон тожик-ўзбек муносабатларига оид муаммо бўлганини ҳеч ким эслай олмайди.

Мен бу гапларни нега келтирдим? Бизга доим Москвадан кўрсатма бериб турилишини ҳамма билади. Юқорида номини тилга олган раҳбарга ўхшаган шахслар маҳаллий миллат урф-одатларини, тарихини, ютуқларини, иззат-нафсини қанча камситсанг, уларнинг манфаатларини қанча кўп ёқласанг, ҳар гапингда бошқа миллат вакилларини қанча кўпроқ кўкларга кўтариб, ўзингникини ерга урсанг, марказга шунча ёқасан, сенга биров бирор даъво қилса, улар сақлаб қолишади, деб тушунишади. Бу тушунча маънавий етук, ҳозирги замон маданияти даражасидаги шахс қиёфасига ярашмайди. Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов «Совет Ўзбекистони» рўзномасида босилган «Мафкуравий ишда қатъиятлик ва изчиллик бўлсин» сарлавҳали мақолада: «Намуна кучи, Москвага қараб иш тутиш ҳали ҳозир анча кучли... Агар партия Марказий Қўмитаси матбуотдаги ножўя тенденцияни тўғри йўлга солиб юбормас экан, жойларда занжирли реакция бошланиб кетади», деб жуда тўғри ва оқилона ёзади.

Аҳмад АЛИЕВ.

Долзарб мавзу

ТАЛАБАЛАРДА НИМА АЙБ?

Ҳар қандай бўлиниш, ҳар қандай қўшилишнинг бир асорати бўлади, деганлари рост экан. Бундан бир йил муқаддам Тошкент политехника институти замирида машинасозлик институти ташкил этилганида, улар орасида нифоқ туғилишини ким ҳам ўйлабди дейсиз. Аммо, афсуски, бугун ана шу нифоққа барҳам бериш учун қанчадан-қанча одам овора, не-не асаблар таранг.

Гап Тошкент политехника институти ва «Алгоритм» заводи қошида ташкил этилган «Ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси» тўғрисида кетаяпти. У 1987 йилда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг «Халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ҳақида»ги қарорига биноан ўқув ва илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш мақсадида ташкил этилган эди. Ва орадан икки йилдан сал мўлроқ вақтдан сўнг ЎИИЧК Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигининг (В№ 283-7. 07. 89 й) ва Тошкент «Алгоритм» заводининг (№ 640 «П» 11. 07.89 й.) биргаликда чиқарган қарори асосида иш бошлади.

1989 йилнинг 1 сентябри ТошПИ учун чинакамига байрам бўлди. Бир томондан машинасозлик институти ажралиб чиққан бўлса, иккинчи томондан ЭҲМ «Алгоритм» заводи ажратган бинода 4 мутахассислик бўйича талабалар учун ўқув жараёни ташкил этилди. Ҳозирги кунга келиб «Электрон ҳисоблаш воситалари технологияси ва конструкциясини тузиш», «Радиотехника», «Радиоэлектроника воситалари технологияси ва конструкциясини тузиш», «Электрокимёвий ишлаб чиқариш технологияси» кафедралари қошида қарийб минг нафар талаба билим олмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент политехника институти 10 та кафедрасининг филиаллари шу ерда фаолият кўрсатаётир. Бажарилган тадбирлар талабаларнинг чуқур билимга эга бўлишини, уларнинг замон талабига жавоб бера оладиган кадрлар бўлиб етишишини таъминлайди. Бундай дейишга барча асослар бор. Биринчидан, 1,5 миллион сўм атрофида маблағ сарфлаб бу ерда ТошПИ ўқув лабораториялари, электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган ўқув заллари ташкил этган ва талабаларни ётоқхона билан таъминлаш учун 100 мингдан зиёд сўм пул харжлаб қўйган бўлса, иккинчидан, ЎИИЧКда таълим бериш учун 2 нафар профессор, 20 нафардан ортиқ фан номзодлари ва доцентлари, жами 62 кишини жалб этгандирки, шу тариқа асосий мақсад — талабаларни ишлаб чиқаришга кўпроқ яқинлаштириш масаласи ижобий ҳал этила бошланган эди.

Бироқ Тошкент машинасозлик институтининг ташкил этилиши билан «Ўқув — илмий ишлаб чиқариш комплекси» жамоасида тинчлик йўқолди. Турли маҳкамалар доирасида ЎИИЧК қайси институт қошида бўлиши керак, деган масала муҳокама қилинаётибди.

Ҳозир ошкоралик даври. Бинобарин, ҳар бир масала манфаатдор томонларнинг бевосита иштирокида, очиқ-ошкора фикр алмашиш тарзида муҳокамага қўйилиши ва холис туриб баҳоланиши керак. Мазкур жумбоқ ҳам шундай, ҳал қилинса кейинчалик «аттанг» деб юрмасдик. Марҳамат, Тошкент машинасозлик институти ўз талабларини асослаб берсин. Лекин, бизнинг назаримизда ҳар икки олий ўқув юртининг ихтисослиги ва мавжуд инфраструктураси (кафедраларнинг мутаносиблиги) нуқтаи назаридан қараладиган, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатлари билан ҳисоблашадиган бўлсак, «Ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси» Тошкент политехника институтида қолдирилиши керак. Бу айни вақтда юқори курс талабалари, дипломантлар ва аспирантларнинг бевосита иштирокида «Ақл маркази» тузиш бўйича завод режаларига ҳам тўла мувофиқ келади.

Бизга марказий олий ўқув юртларининг тажрибасидан маълумки, битта катта илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ёки заводда бир неча институт ва техникумларнинг базалари, ўқув марказлари бўлиши мумкин. Аммо бу бутун бошли бир жамоа меҳнатининг натижасига «зўравонлик» йўли билан эгалик қилиш, дегани эмаску!

Лоақал шогирдларимиз — талабалардан уялайлик. Ахир уларда нима айб?

Саид ЖАББОР.

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИДА

СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси, Москва шаҳри ва Москва вилоят Давлат хавфсизлиги қўмитаси бошқармалари 30-40-йилларда ҳамда 50-йилларнинг бошларидаги қатағон қурбонларини оқлашга доир ишларни амалга ошириш билан бир вақтда Москва шаҳри ва Москва вилоятида улар кўмилган жойларни қидирмоқда. Кейинги вақтда Дон ва Ваганько қабристонлари ҳудудида одамлар дафн этилганлиги, шунингдек Бутово ноҳиясида қатағон қурбонлари кўмилганлиги тўғрисида маълумотлар олинди.

Лекин қатағон қилинганлар бевосита кўмилган жойлар хусусида ҳозирча янада аниқроқ маълумотлар йўқ.

Зарур текширув тадбирлари, шу жумладан маҳаллий аҳолини ва ички ишлар халқ комиссариати собиқ ходимларини сўраш йўли билан зарур ишлар амалга оширилмоқда. Тегишли материаллар Москва шаҳри прокуратурасига тақдим этилади.

Москва ва Москва вилоятининг бошқа ерларига кўмилган бегуноҳ қурбонлар ҳақидаги тахминлар ҳам ўрганилмоқда.

Олинган маълумотлардан Москва Шўроси хабардор қилинди.

Хориждан хабарлар



Меҳр-мурувват ҳеч қачон сўраб олинмайди. Аксинча, ҳар ким бировга имкони етса яхшилик қилса, нақадар яхши-я?

Софиядаги мактаблардан бирининг юқори синф ўқувчиларидан уч нафари Кристина Цоцова, Ива Василева ҳамда Ива Лаловскалар етим гўдакларга ёрдам беришнинг қулай усулини топишди. Улар ўз кучлари билан рўзнома чоп эта бошладилар. Номи «Ново-20». Тўрт саҳифадан иборат рўзномада қизиқарли савол-жавоблар, болаларбоп сурат-расмлар, кроссвордлар ўрин олган. Муҳаррир ҳам, мухбир ҳам, сотувчи ҳам ўзлари. Тушган маблағлар болалар уйлари ҳисобига ўтказилади.

СУРАТДА: қизлар София шаҳридаги болалар уйларининг тарбияланувчилари ҳузурида.

(БТА—СИТА сурати).

ЎН БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

(СИТА). Космосда Совет — Америка ҳамкорлиги албатта давом эттирилади ва яқин йигирма йил Марсга бўладиган биргаликдаги парвознинг янги босқичи бўлади. 1975 йилнинг июлида икки буюк давлатга қарашли икки космик кемани фазога туташтирган совет космонавтлари билан Америка астронавтлари ана шундай фикрдадирлар. «Союз—Аполлон» программасида қатнашган Валерий Кубасов ва Алексей Леонов, шунингдек, уларнинг қўшма парвоздаги ҳамкасблари — Томас Стаффорд ва Дональд Слейтонлар ўша космосда икки кема туташтирилганлигининг ўн беш йиллик юбилейига бағишланган маросимда қатнашиш учун Сиэтл шаҳрига келдилар. Америка экипажининг учинчи аъзоси — 59 ёшли Вэнс Бранд маросимга кела олмади, чунки у ҳозирги вақтда кўп марта фойдаланиладиган «Колумбия» кемасида учишга тайёргарлик кўриш билан банд.

Дональд Слейтон тарихий космик парвоз тафсилотларини хотирлаб, учиш қатнашчилари парвоз тугаганидан кейин Совет — Америка ҳамкорлигини ривожлантириш тўхтатиб қўйилади, деб ўйлаганликларини таассуф билан айтди. Бироқ бундай бўлмади. «Мен тез орада бир қанча ўзгаришлар бўлади, деб умид қиламан, чунки ҳамкорлик учун қулай вазият вужудга келди», — деди Слейтон. Унинг фикрича, Марсга бўлажак биргаликдаги парвоз фақат давр тақозосидир.

Учрашув чоғида Алексей Леонов 1975 йилда айтган гаплар эсга олинди. Ўшанда у журналистлар билан суҳбатда шундай деган эди: «Парвозимиз иккала мамлакатимиз ўртасидаги кенг кўламда ҳамкорликнинг бошланиши, деб баҳоланишига ишонаман. Келажакда инсоният космосни ўзлаштиради ва бизнинг парвозимиз ҳамма нарса қандай бошланганлигини эслатиб туради». Совет космонавти Сиэтлдаги маросимда ана шу сўзларга асосланиб, «ҳамкорликнинг ҳозирги руҳи «Союз—Аполлон» парвозидан кейин ҳаммани руҳлантирган умидворликни акс эттиради», — деди.

ИШГА ОЛИШДА КАМСИТИШ

НЬЮ-ЙОРК. Ишга олишда камситиш АҚШда ҳануз кундалик воқелигича қолмоқда. Бир қанча ҳуқуқшунослик нашрларининг буюртмасига биноан «Пенн энд скун» тадқиқот фирмаси бу ерда ўтказган сўраб билиш иштирокчиларининг жуда кўпчилиги ана шундай хулосага келди.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, америкаликларнинг 51 фоизи ишга ёлловчилар «ҳаммаси ёки кўпчилиги» у ёки бу даражада камситувчилик усулларидан фойдаланадилар, деб ҳисобламоқда. Бунда фикри сўралганларнинг 25 фоизи уларнинг ўзлари ҳам ишда хўрланганларини таъкидладилар.

Социологлар АҚШ корхоналари ва муассасаларида қандай аломатларга қараб камситиш кўпроқ тарқалганлигини аниқламадилар. Бироқ бошқа манбалардан маълум бўлишича, майда миллатларнинг вакиллари ва хотин-қизлар кўпроқ камситилар экан.

ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

САН-ФРАНЦИСКО. БМТ. БМТнинг Атом нурланиши олдини олиш илмий қўмитаси Чернобиль атом электростанциясида рўй берган авария радиобиологик оқибатларига тегишли, исботланмаган гаплар кўпайиб кетганлиги муносабати билан ташвиш билдирди.

БМТ Бош ассамблеяси 45-сессияси қўмитасининг маърузасида ҳозир бутун дунёда радиация нурланиши табиий манбааларининг, шунингдек инсон фаолияти билан боғлиқ сунъий манбаларнинг имконияти ва эҳтимол тутиладиган таъсири тўғрисидаги масала ташвиш билан муҳокама қилинаётганлиги таъкидланади. Маъруза халқаро ҳамжамиятнинг қароргоҳида босиб чиқарилди. Ана шу манбалар таъсир доирасини ўрганиб, таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, умумий нурланиш ҳажмининг асосий қисми табиий манбалар улушига тўғри келади.

Қўмита мутахассислари нурланиш таъсири билан боғлиқ муаммолар нотўғри тушунилишига барҳам бериш учун «нурланишнинг атроф муҳитга таъсири» мавзусидаги маъруза хусусида иш олиб бормоқдалар. Тегишли нуфузли илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун ҳам бошқа тадбирлар кўрилмоқда.

ҚИСМЛАР СОНИ ҚИСҚАРАДИ

БЕРЛИН (СИТА). Бу йил ГДЖ миллий халқ армияси анча қисқартирилади. Мамлакат қуролсизланиш ва мудофаа вазирлиги ана шуни маълум қилди.

Миллий халқ армиясининг қисқартириладиган қўшин қисмлари ва ҳарбий муассасалари миқдори жами 200 тага етади. Резервдаги аскарлар 140 минг киши, армиянинг шахсий состави 27 фоиз қисқартирилади.

ҲАРБИЙ АСИР ОЗОД ҚИЛИНДИ

КОБУЛ (СИТА). Афғонистон жумҳурияти президенти Нажибуллонинг фармойишига биноан Афғонистон хавфсизлик органлари кўрган чоралар натижасида озод қилинган совет ҳарбий асири Илёс Мўминович Соатов сешанба куни Афғонистон пойтахтига олиб келинди. И. М. Соатов ўзбек, 1969 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ноҳиясидан. У 1988 йилнинг июлидан бери Афғонистон шимолидаги Бағлон вилоятида қуролланган оппозиция отрядларидан бирида асирликда бўлган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҲАТАРЛИ МАШҚ

● БРИТАНИЯЛИК каскадёр Жеффри Стерн ўз мотоцикли билан хатарли машқни муваффақиятли бажарди. Кастри шаҳри (Сент-Люсия ороли) яқинидаги катта кўчада орасини 175 метрдан қолдириб, одам бўйидан юқорироқ баландликда 10 та трамплин ясади. Шу билан бирга 10 нафар довюрак йигитни ҳар бир трамплин ортига турғазиб қўйди. Ўзи эса мотоциклини катта тезликда ҳайдаб трамплиндан юқорига кўтарилди ва «жонли тўсиқ» — йигитлар устидан муваффақиятли сакради.

МАКАРОННИ КИМ ТЕЗ ЕЙДИ!

● ИТАЛИЯНИНГ шимолидаги Веркура деган жойда ҳар йили макаронни тез ейиш бўйича мусобақа бўлади. Бу йилги мусобақада эса 20 ёшли Эмануэл Беллотти ғолиб чиқди. У 400 грамм пиширилган макаронни роппа-роса 35 секундда паққос туширди.

Қизиғи шундаки, макаронни ейиш учун вилкадан фойдаланиш таъқиқланган. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили ўрнатилган рекорддан ҳеч ким ўзиб кетолмади. Ўшанда рекорд натижа 34 секунд эди.

68 ЁШЛИ КУЁВ

● ЗИМБАБВЕЛИК Тама Нэумакаэе ҳозир 68 ёшда. Унинг 23 нафар хотини бўлиб, 138 фарзанди бор. Шу йил май ойида унинг энг кенжа уч ўғли туғилди.

Тама яна бир «хайрли» ишни бошлаб юборган, яъни яқинда яна уйланмоқда. У уйланмоқчи бўлган қиз — Лестер ҳозир 13 ёшда.

Таманинг уйи Марокаш чегарасидан 500 метр наридаги Тамандей деган жойда. Унинг уйи 20 та кулбадан иборат бўлиб, бутун бир мавзени ташкил этади.

Тама азайимхонлик билан шуғулланади. Балки шунинг учунми, ҳар қалай оиласини ҳар хил балолардан сақлаб қоляпти. Бундан ташқари, шу касби билан оиласини боқади.

Харажатларни 32 ёшли котиб-ўғли Гони қилади. Унинг ҳисоб-китоби бўйича, бу катта оила учун бир ҳафтага бир тонна маккажўхори уни, 48 шиша ёғ, 80 килограмм шакар ва битта буқа гўшти етади. Бу харажатнинг бир томони. Унинг иккинчи томони ҳам бор: 34 ўғлига ва 20 нафар қизига мактаб формаси ва керакли ўқув қуроллари олиб бериш ҳам Таманинг бўйнида.

Лекин Таманинг бир бошида шунча ташвиш бўлса-да, у бундан ранжимайди, балки ғурурланади. Чунки кўп болалик бўлишни унинг аждодлари васият қилишган экан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Москвага — қўшиқлар билан


Андижон вилояти Комсомолобод ноҳиясидаги «Балли, қизлар!» дастасининг ҳаваскор артистларига ташаббускорлик ва ижро маҳорати учун мукофот тарзида Москвага бепул туристик йўлланмалар берилди.

Бундан икки йил муқаддам рус тили ва адабиёти муаллими Анвар Гиниятуллин маҳаллий мактабда мусиқа тўгарагини ташкил қилган эди. Тўгаракка қатнашишни истовчилар кўпайиб кетди ва у дастага айлантирилди. Аста-секин ижро мундарижаси СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари, замонавий бастакорларнинг вокал миниатюралари билан бойиб борди.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги нишонланаётган кунларда болалар мусиқа жамоаси вилоят марказида намойиш этган янги программани томошабинлар илиқ кутиб олишди. Ёш артистлар бу программа билан вилоят корхоналари ва муассасаларида чиқдилар, уни Андижон мактабларидаги ўз тенгдошларига ҳам кўрсатдилар.

Амалга оширилган худди шу иш учун даста пойтахтга сафар қилиш билан мукофотланди. Москвада жамоа ўзбек ва рус, татар ва тожик халқ қўшиқлари ва рақсларидан тузилган янги концерт программасини намойиш этади.

(ЎзТАГ).



Топдингми?

Б. ИСМОИЛОВ суратлавҳаси.

Саволлар беринг!

Бир йилда қанча кўпаямиз?

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпайиши, камайиши ва турмуши ҳақида маълумот берсангизлар.

Фарида МАҲМУДОВА,
ҳамшира.

СССР Давлат статистика Қўмитасининг маълумотларига қараганда ўтган йили Совет Иттифоқида 5 миллион 62 минг 231 киши дунёга келган ва 2 миллион 874 минг 535 киши вафот этган. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиздаги ҳар минг киши ҳисобига кўпайиш 17,6 ва ўлим 10 кишига тўғри келган. Бу соҳада ўсиш бор. Энг кўп ўсиш Тожикистонга тўғри келса, энг кам ўсиш Украинага тўғри келади.

Ўтган йили 2 миллион 711 минг 40 та янги оила рўйхатга олинган бўлса, 972 минг 10 оиладаги никоҳ бекор қилинган. Энг кўп тўй Озарбайжон жумҳуриятида — ҳар минг киши ҳисобига 10,4 никоҳ қайд қилинган. Энг кам никоҳ эса ҳар минг киши ҳисобига 7 та Гуржистонга тўғри келади. Латишларда ажралиш ҳар минг кишига 4,2 жуфтдан тўғри келса, Арманистонда бу жуда қатъий назорат қилинади. Шу туфайли ҳам бу ерда ажралиш жуда кам — ҳар минг кишига атиги 1,2 тўғри келар экан.

Мис билакузукнинг фойдаси борми?

Мис билакузукнинг ҳақиқатан ҳам киши организмига фойдаси борми! Қандай касалликлар билан оғриганлар уни тақиши керак! Уларни ишлаб чиқараётган ширкатчилар турли касалликларга даво бўлади деб сотишмоқда. Шу ростми!

Мирқосим ИНОЯТОВ,
энергетик.

Мисдан ясалган билакузуклар организмнинг ҳимоя қилиш қувватини оширади ва қон-томир касалликларини, шамоллашни, асаб касалликларини, ревматик оғриқларни ва хафақон касалликларини даволашда қўлланилади.

Мис — организмнинг нормал яшаши учун зарур бўлган микроэлементлардан биридир. Унинг етишмаслиги организмимизга салбий таъсир қилади. Мис етишмаслигини қонни махсус анализ қилиб ҳам билса бўлади.

Металлотерапияда пластинкани медицина ходимлари касалликни айнан аниқлаган нуқтага қўйилганда фойда беради. Билакузукни эса профилактика мақсадида ҳам бемалол тақиб юраверса бўлади.

Дунёда Перунинг «Реумус» фирмаси тайёрлаган билакузук жуда машҳурдир. Уни таркибидаги мис 99,9 фоиздан кам бўлмаган металлдан ишланади. Худди шундай қилингандагина унинг медицинада фойдаси бўлади. Биздаги ширкатларда ҳам ана шундай сифатли мис билакузуклар ясалмоқда. Лекин шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҳар бир билакузук тақилавергач емирилади ва шу туфайли икки йилдан кейин унинг даволаш хоссаси йўқолади.

Хорижга саёҳат

Марказий телевидениенинг май ойидаги программаларидан бирида СССР ташқи иқтисодий банкида валюта ҳисоби бўлган корхоналар ва ташкилотлар ишчилар учун «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси ана шу корхоналар йигит-қизларининг хорижга қизиқарли саёҳатларини ташкил этиши мумкин, деган ахборотни эшитиб қолдим. Бу қандай йўл билан амалга оширилади?

Т. БЕСКРАЙНОВА.
Тошкент шаҳри.

Биз ана шу саволга Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси раиси Ҳабибулла Зайниддиновдан жавоб беришини сўрадик. У шундай деди:

— Ҳозирги пайтда «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси йўли билан ёшлар саёҳати валютасиз амалга оширилаяпти. Чунки сайёҳлар гуруҳларини СССРда қабул қилиш шарт-шароитлари бир мунча паст. Капиталистик дунёда эса хизмат кўрсатиш анча қиммат. Масалан, мамлакатимиздан хорижда қабул қилинган бир гуруҳ сайёҳларнинг харажати СССРга келувчи икки-уч гуруҳ хорижий сайёҳларга хизмат қилишга тенг келади.

Сайёҳлар гуруҳларини айрибошлашга келганда шуни айтиш керакки, бизда ҳозирча етарли валюта йўқ. Шунинг учун биз кўпроқ хорижий шериклар билан муносабатларда валютасиз сайёҳлар гуруҳига гуруҳ алмашишдан фойдаланмоқдамиз.

Бироқ «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси янги хўжалик юритиш шароитларида катта мустақилликка эга бўлиб бормоқда. Бу эса унинг жойлардаги бўлинмаларига турли хил масалаларни мустақил ҳал этиш ва халқаро туристик алоқаларни йўлга қўйишга кенг имконият яратмоқда. Шу жумладан, жумҳуриятимиз учун ҳам шундай имкониятлар кенгайиб бораяпти. Тошкент шаҳрида СССР ташқи иқтисодий банки бўлими очилди. Ана шундай шароитда ҳисобида валютаси бўлган корхоналар ва ташкилотлар учун «Спутник» йигит-қизларнинг хорижий мамлакатларга қизиқарли саёҳатларининг ҳақиқий ташкилотчиси бўлиши мумкин.

Бунинг учун қуйидаги манзил бўйича Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюросига мурожаат қилинсин: **Тошкент, 11, Пахтакор кўчаси 5, телефон: 41-44-00.**

Сизларни биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз!

Биллур дарёми?

Ҳиндистондаги «Биллур дарё» ҳақида билишни истардим.

Дурдона НОСИРОВА,
11-синф ўқувчиси.

Жимирлаб товланиб турган биллур дарё ҳалок бўлган Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди хотирасига қўйилган ҳайкалдир. У ўша машъум кунда, Гандининг ўз қароргоҳидан то сотқинлар ўқи теккан ерга етиб келгунча бўлган жой оралиғида «оқиб» туради.

Ҳиндистоннинг йирик сиёсий арбобининг охирги йўлини акс эттириб турадиган биллур шиша — Чехословакия ҳукуматининг совғасидир. У шундай ясалганки, Ҳиндистоннинг жазирама иссиғи, ойлаб ёғадиган ёмғирлари писанд эмас. Чошгоҳ пайтида, қуёш янада ёрқинроқ нур сочаётган вақтда биллур жимирлаб товланади ва кишида худди дарё оқаётгандай тасаввур ҳосил қилади. Ўзига хос бўлган бу ёдгорликни яратишда узунлиги 33 метр ва кенглиги 2,5 метр бўлган йўлни қоплашга ўн тоннага яқин биллурдан фойдаланилган.

Дарёнинг муаллифи чехословакиялик профессор Ярослов Фричдир.

ТВ

21 ИЮЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Болалар — бизнинг келажагимиз». Кинопрограмма. 10.40 «Нон — бебаҳо бойлигимиз». Абулқосим мадрасасида бўлиб ўтган нон байрами ҳақида. 11.20 Султонали Болғабоев. «Қиз йигирмага тўлганда». Тошкент Давлат Маданият институти битирувчиларининг диплом спектакли. 12.45 «Амалий давра суҳбати». 13.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Замин нидоси». 14.15 «Дўстлик» программаси. 15.35 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 16.05 «Қизни топинглар». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»).

ТИЖОРАТ КЎРСАТУВИ

17.30 «Давр тақозоси билан». Хўжайли пахта тозалаш заводи.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Хўтикча». Мультфильм. 18.15 «Санъат ғунчалари». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Оқшом эртаклари». 21.15 «Мусиқа жавони». 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қўғирчоқ». Бадиий фильм. 1-2-сериялар («Мосфильм»).

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.50 «Офарин!». Конибодом, Ўратепа шаҳарлари ҳамда Ленин ноҳияси санаторий мактаб-интернатлари командалари мусобақалашадилар. 10.50 «Аэропортдаги ҳодиса». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.10 Кўрсатувлар тартиби. 18.15 «Аэропортдаги ҳодиса». Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 «Новости». 19.50 «Забои чист?». Тасвирий санъат. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳикмати рўзгор». Миниатюралар телетеатри. 22.00 «Ахбор». 22.20 Эстрада оркестрининг концерти. 23.20 «Валиида байрам». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Халқ қўшиқлари байрами. «Салют» Маданият саройи «Весняночка» ансамбли ижро этади. 8.35 «Онам, дадам ва мен» (болаларда диатез. Сабзавотлардаги нитратлар). 9.05 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». 10.05 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.35 «Ёз» (Литва телефильми). Премьера. 11.55 «Бурда моден» таклиф этади... 12.25 «Ғолиблар». 13.25 Мультфильмлар: «Шум мушукча». «Лабиринт». 13.50 Н. Латинский чалади (скрипка). 14.20 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 14.50 Мулоқотни Останкино олиб боради. Телевидение қандай бўлиши керак. 15.50 «Модест Мусоргскийлар авлодидан». Фильм-концерт («Лентелефильм»). 17.00 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 «Бағишлов». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм» ижодий уюшмаси). 18.15 «Халқаро панорама». 19.00 Н. Губенко фильмлари. «Тақиқланган зона» («Мосфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 22.10 Оммабоп куй янгиликлари. «А» программаси». 00.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Қизғиш томоқ». Мультфильм. 8.35 «Етти солдатча». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 8.45 Рус тили. 9.15 «Аргонавтлар». Мультфильм. 9.35 «Совет Россияси» видеоканали. 12.00 Яхши ният ўйинлари. Спорт гимнастикаси. Сузиш. АҚШдан кўрсатилади. 15.25 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Диканька қишлоғи оқшомлари» (Укртелефильм»). 16.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.00 Яхши ният ўйинлари. Волейбол. Хотин-қизлар. АҚШ — СССР терма командалари. АҚШдан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 04697. Д. — 23505.